

O'zbekiston Respublikasi  
Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi



Mirzo Ulug'bek nomidagi Samarqand Davlat  
Arxitektura - Qurilish Instituti

“Arxitektura” fakulteti  
“Kasb ta’limi” kafedrası

*Bitiruv malakaviy ishining*  
***TUSHUNTIRISH XATI***

**Mavzu:** Рангтасвирда миниатюра ишлаш ва шу мавзуда ўқитиш услубини яратиш.

Kafedra mudiri: dots. A.Q.Raximov.  
Rahbar: o'qit. F.Sh.Axatov.  
Bajardi: 401-KT(TS va MG) guruxi  
talabasi Бултакова Д.

**Samarqand 2018 yil**

# Mundarija

<b>№</b>	<b>Bo'limlar</b>	<b>saxifa</b>
<b>I.</b>	<b>Kirish</b>	
<b>II.</b>	<b>Mavzuni asoslash</b>	
	<b>A) Rangtasvir san'ati</b>	
	<b>B) Rangtasvirda miniatyura janri</b>	
<b>III.</b>	<b>Ijodiy jarayon</b>	
<b>IV.</b>	<b>Atrof muxit muxofazasi</b>	
<b>V.</b>	<b>O'quv – uslubiy qismi</b>	
<b>VI.</b>	<b>Xulosa</b>	
<b>VII.</b>	<b>Foydalanilgan adabiyotlar</b>	

# KIRISH

## Кириш

Шарк халклари маданияти тарихида миниатюра ва китобат санъатини айри тасавур қилиш мумкин эмас. Утмишдаги кулёзма ва китобларнинг ҳар жихатдан мазмун ва характерга бой бўлиши саккофлар муковасозлар (сахифаларни туплаб китоб холига) келтирувчи, тасвир берувчилар (китоб мазмунини боғлаб суръат чизиш, суратлаш) санъаткорона меҳнат қилишган.

Албатта ҳар бир санъат устаси рассомона ижод қилган. Шунинг учун ҳам улар яратган ҳар бир безак, тасвир гузалликни, эзгуликни узи мужассамлаштиради. Кулёзма китоблардаги нақшларда табиатнинг бағридаги гул ва дарахтлар бошқа турли мавжудотларнинг ранги, шакли уз аксини жамлаштирганини курамит. Шу уринда китобат санъати усталарининг уз давридаги атамаси, яъни, номланиши ҳамда улар бажарган вазифалари ва фаолияти хақида таъкидлаш эътиборга лойиқдир. Низомийнинг ҳамсасига Хиротдаги санъат усталаридан ташқари Шэроз, Исфохон, Бухоро ва Хиндистоннинг бир канча мусаввирлари бадий тасвирлар ишлаб бу китобни ҳар жихатдан мазмун ва гузалликка бой бўлишда уз хиссаларини қушганлар. Ноёб кулёзма китобларга ишланган миниатюра санъатининг катта бир қисми Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" китобига зарб этилган. Умуман Бобурийлар даври тасвирий санъати рангбаранг ва сэрмазмун бўлиб, шарк халқларидаги Самарқанд, Хирот, Бухоро, Шеъроз, Табриз санъати анъаналари ҳар жихатдан мукамал узлаштирган ҳолда Хиндистонда маълум машҳур бўлган Бобурийлар сулоласи вакиллари тасвирларда муҳрлашган, эриша олганлар. Кейинги даврларда миниатюрочи рассомлар хақида маълумотлар жуда кам бўлса-да улар яратган асарлар хорижий давлатлардаги қупгина музей ва қутубхоналарнинг қимматли санъат хазиналари сифатида кенг урин олган. аср миниатюрасидаги портрет санъатининг маҳоратли усталаридан бири бўлган Хожа Муҳаммад Мусаввир, Давлат Муҳаммад, Нодир Муҳаммад каби рассомлар хақида бирмунча маълумотлар учрайди. Умуман олганда миниатюра санъати ва лоқли миниатюра санъати Узбекистон мустикаллиқка эришгандан сунг яна қайтадан ривожланди ва ривож топди. Йуқолиб кетаётган бу санъатга катта эътибор бэрилмокда. Узбэкистонда хунарманд, уста, қулол миниатюрочи рассомларни ишини кадрлаб уларни ишларини юксак баҳоларда кадрлаб манм ҳар 3-йилдан бэри мунтазам утқазиб келаётган «Базар Арт» қургазма виставқасини мисол қилишимиз мумкин бўлади.

**MAVZUNI  
ASOSLASH**

## Мавзуни асослаш.

Менинг мавзуим «Рангтасвирда миниатюра ишлаш ва шу мавзуда ўқитиш услубини яратиш» деб номланади. Бу мавзуим юзасидан. Бу биз тўрт йил давомида таълим олиб рангтасвир, миниатюра санъати фанларини чуқур ургандик. Менга асосан миниатюра санъатининг ноёб ишланиши техникаси-технологияси ва нозиклик ва нафислик билан ишланиши жуда ёқади ва бундан мен таъсирланиб диплом мавзуимни миниатюра санъатида ишлашга қарор қилдим. Бу санъат умуман олганда мени узига мафтун этади. Чунки бу ноёб ва мужаз, нозик ва нафис мўкаламнинг юргизишимдан ҳосил буладиган санъат туридир. Миниатюра кичик улчамдаги нафис бадий бажарилган санъат асарларидир. Миниатюра узига хос мустақил характердаги рангтасвир ва график тасвирдир. Кичик улчамдаги локли маҳсулотлар юзларида панжарали мўйбўёкли ва локли рангтасвирлар миниатюранинг турлари ҳисобланади. Китобий қулёзма миниатюраларида расмлар қулда чизилиб, гуашли, елимли, акварелли ва бошқа бўёқлар ёрдамида бу безаклар ва тасвирий декоратив безак элементлари бажарилади. Китобий миниатюралар бизгача қадимги миор даврида биринчи марта пайдо бўлган. Улар ҳозирги қурилишдагидек тиник эмас балки полирус текис ранг тасвир ва перо ёрдамида расмлар сифатида тасвирланганлар. Лекин бизда эса қўпгина миниатюра мактаблари пайдо бўлиб гузал дostonларга асарларга расмлар миниатюралар ишлаганлар. Булардан энг ноёблари Бобурнинг «Бобурнома»сига, Ҳамса асарининг «Шоҳнома» асарлари маҳорат билан ишланган. Мен ҳам бу ишлардан таъсирланиб миниатюраларни композиция асарини ишлашга аҳд қилдим. Қалажакда коллежларда ишлаш жараёнида мен бу соҳани давом эттириш ниятидаман. Ва бу ишларнинг давомийлигига эришаман деган умиддаман.

A) Rangtasvir san'ati

Рангтасвир санъати.

Рангтасвир-тасвирий санъатнинг бир турики унда ранг биринчи уринни эгаллайди. Бирор бир матода, юзада, деворда бажариладиган санъат асарига рангтасвир дейилади. Рангтасвирда асосий ифода воситаси ранг ҳисобланади.

Рангтасвир тарихи ибтидоий одамнинг гор деворларига чизган расмларидан бошланади. Бизгача етиб келган бу расмлар узининг соддалиги ва маънодорлиги билан кишини уйга тортади. Ўзбекистон ҳудудида қадимги рангтасвир санъати узи хос намуналарга эга. Биз уларни айтиб утадиган булсак кулолчилик санъати ва деворларга ишланган рангли суратлардир. Афросиёб, Болаликтепа, Варахша ва Панжикентдаги деворий рангли тасвирларни алоҳида айтиб утишимиз керак.

Деворий суратлар жаҳон маҳобатли амалий безак санъатининг нодир дурдоналари булиб ҳисобланади. Бу суратлар узининг маҳобатли ишланганлиги ва юксак маҳорат билан образлар ва уларнинг ҳаракатларини бажарилганини куришимиз мумкин. Юксак дид билан бажарилган бу рамзий расмлар амалий безак санъати усулида бажарилган булиб тарихий мавзуларни очиб берувчи манбадир. Ҳозирги кунда Афросиёб номи билан юритилаётган Самарқанднинг қадимги урнидан топилган бу деворий расмлар рангтасвир санъатининг бетакрор ва ёрқин намуналаридир.

Куришимиз мумкинки бунда биз рангларнинг уйғунлашиб композиция ута рангга бой қилиб бажарилганлигини.

Ўзбекистон ҳудудига ислом дини кириб келгунига қадар фақат монувийлик дини булган. Монувийлик уз навбатида тасвирий санъат намуналари билан узвий боғлиқ булган. Унинг асосчиси Моний булиб, кейинчалик унинг таълимоти билан биргаликда улкан тасвирий санъат мактаби вужудга келган. Лекин 712 йилда Самарқандни араблар босиб олиб ислом динини олиб кирган. Араблар босиб олгандан кейин ислом дини билан бир каторда тасвирий санъатда ҳам қўнғин намуналар йўналишлар яратилди. Тарихдан маълумки Самарқанд қозғоғи билан машҳур булган, бу эса уз навбатида қитоб санъатининг ривожланишига туртки берган. Диний ва бошқа соҳалардаги қитоблар, тасвирлар, безаклар билан нафис қилиб безатилганки, бу эса безак санъатининг ривожланишига олиб келди. Бобоқалонларимиз Ибн Сино, Умар Хайём,



Фирдавсий, Беруний каби алломаларимизнинг китобларига мусаввирлар миниатюра, безаклар ишлаганлар. Бу эса уша даврда шохлар алломаларнинг хаёти саройлардаги хаёт тарзи хакида чизгилар пайдо була бошлади. Катта-катта альбомларга миниатюралар ва бу билан бирга бир вақтнинг узида китобга миниатюра ишлаш ҳам такомиллашиб кетди.

Тасвирий санъатнинг тараккий этишига узининг муносиб хиссасини буюк бобомиз Амир Темур кушган. Бобокалонимиз уз даврида касрлар, кушқлар, богу-роғлар курдириб бу билан бир каторда бу иморатларнинг деворларига турли тасвирлар, безаклар бериб бажартирган. «Деворга сурат чизиш санъати Мирзо Улугбек замонида янада юкори поғонага кутарилди. Тарихнафислар унинг Чилустун чорбогида Чиннихона касрини нихоятда гузал килиб курдирганини ёзадилар. Абдураззок Самаркандий Мирзо Улугбек расадхонасининг хоналари деворларида туккиз осмоннинг куриниши, осмон гумбазлари даражалари, минут ва секундлар ва хоказо улушлари тасвири етти ёритгич сайёра, собита юлдузлар, иклимлар, денгиз, тоғ, сахро шуларга оид буюм ва жониворлар сурати гоят ва жонли накш этилганини ёзади».

Темурийлар даврига келиб шаркона миниатюра мактаблари вужудга келди. «Миниатюра»- бу китобга ишланган сурат ёки кичик хажмдаги суратлар маъносини, нафис бажарилган безаклар маъносини билдиради. Миниатюра мактабларида асосан Хирот (Нигористон) (нафис санъат академияси) уз урнига ега булиб уз даврининг машхур академияларидан хисобланган. «Олим Наим Норкуловнинг маълумот беришича Бойсункур Мирзо Хиротнафис ва тасвирий санъати анжуманининг академияси асосчисидир». Қадимги кулёзмалардаги миниатюра рангтасвирлари энг кимматбахо безак хисобланган. Уша даврларда миниатюрочи рассом ва хаттотлар китобга миниатюра чизганлар ва китобни хаддан зиёд безаганлар. Миниатюралар факат китобни безабгина колмай уша давр хакида маълумотларни гузаллик, нафосат хакидаги тасаввурларни узида акс эттирган. Урта асрларда шарк маданияти тарихида кулёзма китоблар алохида урин эгаллаган. Бу ижод тури муътабар ижод тури сифатида шаклланди ва ислом динининг кириб келиши билан Мукаддас китобимиз «Куръони карим» ҳам кириб келди. Миниатюра рангтасвирининг илк ёдгорликлари 11 асрлар ва гуллаб яшнаган даври 15-17 асрларга тугри келади.

Миниатюра рангтасвири дахоси Камолиддин Бехзод нафис санъатларни урганган ва буюк мусаввир булиб етишган. Буюк мусаввир Камолиддин Бехзод уша даврнинг машхур мактабларидан «Нигористон» тасвирий санъати

академиясида тахсил олган. Уша даврнинг мусаввири Мирак Наккош Камолиддин Бехзоднинг устози булган. Яна бир устози десак адашмаймиз чунки Камолиддин Бехзодга Алишер Навоий ҳам кенг маънода рахномалик килган ва куп имкониятлар яратиб берган. Камолиддин Бехзод Алишер Навоий портретини яратган. Уз даврида Алишер Навоийнинг дусту Хусайн Бойкаро ҳам Камолиддин Бехзодга рахномалик килиб Хиротдаги кутубхонасига рахбар этиб тайинланди. «Буюк рассом шарк алломалари Шарофиддин Али Яздий, Абдурахмон Жомий, Амир Хусрав Дехлавий, Алишер Навоий, Низомий Ганжавий каби мутафаккирларнинг асарларини тасвир оркали янада жонлантирди». «Хусайн Бойкаро» портрети, «Шайбонийхон» портрети, «Султон Хусайн сафарда» деб номланган машхур асарларини яратган. Камолиддин Бехзод ижодида факат портрет эмас, балки купгина жанрларда ҳам самарали ижод килганини айтиб утишимиз лозим.

Хирот миниатюра рангтасвир мактабида купгина жанрлар жумладан сарой тасвири, ов манзараси, маиший жанр, портрет жанрлари юксак ривожланди. Натюрморт жанри элементлари эса Камолиддин Бехзод асарларида учрайди. Бу асарларга «Шайбонийхон» портрети, «Гуллаётган новдалар орасида киз» асарларини айтишимиз мумкин. Бу асарларда факат натюрморт элементларидан сиёҳдон, камчи, гуллаётган новда, гуллар учрайди. Шарк миниатюраларида айтиб утган жанрларимиздан ташкари жанг манзаралари жанри ҳам ривожланган. Камолиддин Бехзод ижодида ҳам жанг манзаралари кенг урин эгаллаган. Улардан, Шарофиддин Али Яздийнинг Зафарномасига Низомий Ганжавийнинг Хамсасига миниатюралар ишлаган.

Камолиддин Бехзод жанг манзаралари тасвирланган миниатюраларида анъанавий композицияларга амал килмаган. Асарларида ким голиб, ким маглуб булган лахзаларни эмас балки шиддатли жанг манзараларини тасвирлашга харакат килган. Айникса жангчиларнинг харакатлари киёфаси аник курсатилган булиб, бу эса Камолиддин Бехзод дастхатига хос мухим хусусият. Камолиддин Бехзод асарлари ута нозик гузаллиги ва аник бажарилгани билан ҳам бекиёсдир. Шу даражада уз ишининг устаси булган буюк мусаввир Бехзод Хиротда буюк санъат мактабига асос солиди. Бу мактабда купгина мусаввирларга устозлик килган ва уз даврида буюк асарлар яратган. Хозирги кунда Бехзод асарларини факат Узбекистонда севиб кадрланмайди, балки Лондондаги Британ кутубхонасида миниатюралари сакланади. Чет эл рассомлари ҳам узларининг Камолиддин Бехзод хакидаги фикрларини айтиб кетган. «20 аср дахо

санъаткори абстрактизм санъатининг «отаси» В.Кандский 1910 йил Аполлон журнали саҳифаларида, Мюнхен шаҳрида 1903-1910 йилларда намоиш этилган. «Мусулмон санъати» кургазмасидан кучли тасвирланиб, куйидагиларни ёзади: «Шарк миниатюралари... Уларни инсон кули билан яратилганига ишонмайсан киши! Назаримда, руё каби осмондан тушган хилкат олдида тургандекман.... Аклни оздирар қадар соддалик. Мураккаблик деярли хайратланарли, нозиклик таъби нозик халқ орзу қилгандек, нафисдир... Қандай сеҳрли кучки, у ёркин содда ифодаланган ботиний хис-хаяжонни (у доим юзада ва уни ҳеч нарса туса олмайди, биз европаликлар уни адашиб «декоративлик» тарзида берамиз) қайнаб ётган ашёлар мутаносиблигига эриша олган. Мен хаяжондан қотиб турардим ва бизнинг «декадент» санъатимизда «бенихоя гузал» деб юритганимизнинг барчаси хира тортиб қолади...»

Шайбонийхон ҳукмронлик қилган даврга келиб санъатнинг ривожланиши асосан китобат санъати билан боғлиқ. Асосан бу даврдаги тасвирий санъатнинг таракқиёти даври Бобурийлар билан боғлиқ. Бу даврда купрок портрет жанри ривожланди. Портрет усталаридан Хожа Муҳаммадлардир. Миниатюра санъати ҳам ривожланган лекин усталарнинг ишлари ҳақида маълумотлар жуда кам берилган.

Хожа Муҳаммад айтиб утишимиз керак чунки, бу рассомлар қадимда Бухоро ва Самарқанд мактабларига асос солинган. Бу усталар Самарқанддаги машҳур Шердор мадрасаси пештокига ишланган мафтункор паннони ишлаган. Мусаввирлар маҳоратига қойил қолиш керак. Бундан қуриниб турибдики тасвирий санъатга рангтасвирга қатта эътибор берилгани шундоққина қуриниб турибди.

B) Rantasvirda  
miniatyura janri

Миниатюра санъати.

Миниатюра (франсузча-miniature, италянча- miniatura, лотинча- minium-киновар) бу кичик улчамдаги нафис бадий усулларда бажарилган санъат асарларидир.

Миниатюра узига хос мустакил характердаги рангтасвир ва график тасвирдир. Кичик улчамдаги лакли рангтасвирлар миниатюранинг турлари хисобланади.

Китобий миниатюраларида расмлар кулда чизилиб, гуашли, елимли, акварелли ва бошка буёклар ёрдамида безаклар ва тасвирий декоратив безак элементлари бажарилади. Китобий миниатюра кадимги Миср давридан маълум. Улар тиник емас буёклар папирус текис рангтасвир ва перо ёрдамидаги расмлар сифатида тасвирланган. («Уликлар» китоби яъни подшолик даври) сунги антик миниатюралар фазовий мухит ва фигуралар тасвирларнинг аниклиги билан ажралиб туради. (4-6) асрлар «Илиада» Гомер 500йиллар Амброзиана баъзи бир Византия ёдгорликларида сунги антик миниатюралар усули сакланиб қолган. Урта асрлар миниатюрасида махаллий мактабларнинг мавжудлиги характерлидир.

Мэровнинг санъатида 5-6 аср узига хос куш ва фнаментли ранглр тэкис миниатюра усули ривожланди. 7-9 аср Ирланд ва Англосаксон кулёзмалари катта улчамли стиллашган (услужлашган) фнаментол рамкалар китоб сахифалари тукиладиган фнаментли безаклар ёрамида безатилган.

Миниатюра ишларининг бошка тури-яъни махаллий материалларга ишлаш махаллий материалларнинг бир канча тури ковоклар. Бу материалларга мужаз расмлар ишлаш учун уларни узлари турли технологиялар асосида махсус тайёргарлик боскичидан утказилади.

Турли усталар ковокларни турли йуллар билан гунгга 1-3 ойлаб кумиб, ковоклар юзасида турли шакллар хосил килади ва тайёр булган юзага пигментлар темпералар ёрдамида миниатюра расмлари ишланади.

Расмнинг сунги боскичи тугаллангандан сунг ковоклар дархол махсус локларда лакланади. Лок махсус куритма печкада куритилади.

Локли миниатюра санъати миниатюранинг енг муруккаб тури хисобланиб, санъатнинг бу тури учун махсус укув куроллари ва турли туман хом-ашёлар

кулланилади. Бу булимда асосан кутича яшаш технологияси ва унга кетадиган хом-ашёлар хақида маълумотлар бериледи.

Кутича яшаш учун керакли укув куруллари руйхати:

1.Калам

2.Линейка

3.Учиргич

4.Ватман

5.Хромизация

Преслаш учун мосламалар П.В.А клейи, степлер, кум когозлар, тош когозлар, ёш буйоклар, муйкаламлар, локлар, куриш печкаси ва яъна бир канча хом-ашёлар электротехника буюмлари мавжуд.

Електр печлари ва дазмоллардан фойдаланилаётганда техника хавфсизлигига каттикрок риоя килиши зарур.

Жахон тасвирий санъат хазинасидан муносиб урин олган миниатюралар, шарк халкларининг муштарак бадиий меросидир. У анъанавий китобат санъатининг таркибий қисми булиб, қадимги нодир кулёзмаларни зийнатлаш билан бирга мазкур асарлардаги илгор инсонпарварлик гоёлари олийжанобликка булган интилиш гузаллик тугрисидаги тасвурни ифодалашга ҳам хизмат қилган. Турли санъаткорлар, хаттот, рассом, музаххиб, жадвалкаш ва бошқаларнинг ижодий ҳамкорлигида нодир кулёзмалар уша давр маданий-ижтимоий ҳаётини бадиий-эстетик қарашларини урганишда қимматли ҳисобланади.

Яқин ва Урта шарк маданий марказлари булиши Богдод, Табриз, Самарқанд, Бухоро, Хирот, Шероз қаби шаҳарларда 10-19 асрлар давомида махсус миниатюра мактаблари мавжуд булиб, баъзан юксак даражада ривожланган, баъзан еса таназулга юз тутган. Хар бир рассомлик марказида узига хос бадиий ва ифодавий хусусиятлар юзага келиши билан бирга уларнинг барчаси Шарк миниатюра санъатининг ранглари софлиги ва ёркинлиги, чизикларнинг нафислиги ва нозиклиги тасвирий услубининг декоратив хосияти билан характерланади.

Миниатюра нодир кулёзмалар зийнатлари булиш шамс, зарварак унвон хамия, накш лавха, хотима каби безаклар билан умумий-услубий уйгунликка эга. Бу китоб зийнатларининг декоратив хусусияти, улар яратилган давр дунёкараши, тафаккур тарзи билан бевосита боғлиқдир.

Нафис, мужаз расмлар асосан илмий-бадий ва тарихий асарларнинг кулёзмаларини безашга хизмат килган. Рассомлар асарларининг етакчи гоёлари ва асосий кахрамонлари образларини ранглар воситасида ифодалаганлар. Шу сабали миниатюра санъати тараккиётига Шаркнинг атокли алломалари Муҳаммад Ибн Мусо Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, мутафаккир шоирлари Абулкосим Фирдавсий, Низомий, Ганжавий, Амир Хисрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ҳамда машхур тарихчилар Файзуллох Рашидиддин, Шарафиддинали Яздий ва бошқалар катта хисса кушганлар.

Ўзбекистон миниатюра санъатидаги Бухоро миниатюра мактаби узига хос йуналиш. Урта асрлар (16-17асрлар) да Бухородда шаклланган Бухоро миниатюра мактабининг шаклланиши, ривожланиши даври Бухорода Шайбонийхонлар (16 аср) хукмронлиги даврига тугри келади. Хирот миниатюра мактаби таъсирида ривожланган.

Бухоро миниатюра мактаби дастлаб Бухорога келган Хирот миниатюра мактаби вакилларининг ижоди билан боғлиқ булган ва маҳаллий бадий анъаналар таъсирида шаклланаётган мустикал услубни акс еттирган.

Окимлар куринишида булиб 1550-йиллар урталаридан мустикал ривожланган умумлаштириш шаклининг ихчамлиги. Кийим ва безакларнинг аниқ ҳамда йирик ишланиши бушликнинг бир текис тузилиши меъморий тасвир ва заминнинг содалаштирилиши каби хусусиятларга эга булган. Умумий ранглар ёркин, тиник (тук сарик ва кора ранглар устунлиги сезилади) расмлар учун яратувчанлик, тантанаворлик руҳи хос булган. Расмларда кабул сахналари табиат огушидаги учрашувлар маиший манзаралар, сарой хаётидан олинган ахлокий лавҳалар ва бошқа мавзулар кенг урин олган: кучманчи хаёт куринишлари, маҳаллий, этник тури ҳам учрайди.

Бухоро миниатюра мактабининг йирик вакиллари Маҳмуд Музаххиб Шайхзода, Мулла Бехзод, Хужа Гадоӣ (17аср) ва бошқалар.

Мовороуннахрнинг кушни мамлакатлар билан алоқаларининг кучайиши туфайли Бухоро миниатюра мактаби вакиллари асарларида Хиндистон ва Эрон

тасвирий санъатининг таъсири уз ифодасини топган. Бу мактаб вакиллари томонидан Саъдийнинг «Бустон» (1575-1576), Жомийнинг «Тухфат ул-ахрор» (16-асрнинг 70-йиллари) Дехлавийнинг «Тарихи Хизрхон» (1579-йил) Низомийнинг «Хамза» (1648-йил) хаммаси Санкт- Петирбургдаги Салтиков-Шчедрин номидаги кутубхонада. Фирдавсийнинг «Шохнома» (1664 Уз.Р.Ф.А Шаркшунослик институтида) асарлари шунингдек тарихий диний асарлар бадий безатилган.

Хирот миниатюра мактаби урта шарк миниатюрали рангтасвир мактабларидан бири. Китобхона сарой кулёмалар устахонаси фаолияти билан боглик бу мактаб 15 асрда Темурийлар пойтаахти Хиротда ижод килган 15 аср 1-ярим миниатюралари (рассом Халил Гиёсиддин Мансур) узига хос янгича, сипо вазмин баъзан иссик колоритли («Шохнома» Фирдавсий 1430-й, «Хамза» Низомий 1931-й. 15 асрнинг 2-ярмига келиб рассомлардан Шохмузаффар, Мирок Наккош хамда буюк миниатюрачи Камолиддин Бехзод ва унинг шогирди Косим Алилар фаолият курсатганлар. Стендларнинг хилма хиллиги композицияларнинг фигурали ва кур планлиги, бой памтра, портретнинг ривожланиши пейзажга катта эътибор каратилиши буларнинг барчаси миниатюрага хос хусусиятлардир.

Шероз миниатюра мактаби Инжуидлар династияси (1303-57) хукмронлиги даврида Шероз (Эрон)да пайдо булади. 14 аср 1-ярми миниатюралари учун деворий рангтасвирга якин оддий монументал композициялар, йирик калта фигуралар, умумлашган пейзаж, кизил, сарик ва тилла рангларнинг куп кулланилиши хосдир. 14 аср охири 15 аср бошларида кулёмма декаратив безатилиши ва матнга узвий богликлиги, купинча мураккаб кур фигурали композиция кулланилиши, персонаж ва пейзажга эътибор каратилади. Худди шу хусусиятлар 15 асрнинг 2-ярмида ривожлантирилди. 16 асрда Шероз миниатюра мактаби усталари жозибадор ранглар гаммаси мойиллигига, композициянинг майда-чуйдалигига уйланганлиги Сафевидлар даври характерига мос мотивларни тасвирлашга харакат киладилар.

(«Хамза» Низомий: 1532-42, Эрмитаж, Ленинград: 1560, худ, Бахром Афжар Ака, б-ка Париж).

Мугул миниатюра мактаби урта асрлар хинд рангтасвири асосий мактабларидан бири булиб, Буюк мугуллар саройи ривожланди. Ушбу мактаб махаллий анъаналар асосида Урта Осиё ва Эрон миниатюралари таъсирида,



кисман Европа рангтасвири ва графикаси таъсирида шаклланади. Мугул мактаби илк ривожланиш даври Табриздан таклиф килинган Мир Саид Али ва Шерозлик Абди ас-Самадлар ижоди билан боглик. Улар рахбарлигида 16 аср иккинчи ярмида миниатюрочилар катта гуруҳи ижод қилади. 16 асрнинг иккинчи ярми, 17 аср бошлари миниатюраларида матн билан тасвир аниқланади. Аниқ шахсларни тасвирлашга ҳаракат килинганлиги куринади. Кур фигурали композицияларда ҳаракатлар куллашининг кенглиги турли планларда пейзаж декоратив фонларнинг кулланиши куп учрайди. Аста –секинлик билан миниатюра дастгоҳи санъат турига айланиб боради.

Хинд миниатюра мактаби 16-17-асрларда Шимолий Хиндистоннинг пойтахт шаҳарлари Дехли, Агра ва Лохурда ривож топган хинд миниатюра мактаби узига ҳослиги ва юксак бадиий хусусиятлари билан Шарк миниатюра рассомлик тарихида узига ҳос ҳисса қўшганлар. Мана шундай шахслардан тарихчи Гиёсиддин Хондамир, табиб Юсуф Юсқфий, шоир Қосим Қухий Самарқандий рассомлардан Мирсаид Али, Абдусамад Шерозий, Фарруҳбек каби куплаб ақл заковат эгаларини санаб утиш мумкин. Хинд миниатюра рассомлари узига ҳос мактаб сифатида 16-асрнинг иккинчи ярмида шаклланган булсада, Хинд тасвирий санъати ҳусусан рассомчилик жуда куп асрлик бой аънаналарга эга. 16 асрнинг ярмида , иккинчи ярмида Бобурийлар сулоласи саройи қошида маҳсус рассомлик устаҳонаси очилиши, четдан келган рассомлик устаҳонаси очилиши, четдан келган рассомлар билан бир қаторда маҳаллий-диний Мир Саид Али, Абдусамад Шерозий, Фарруҳбек каби куплаб ақл-заковат эгаларини санаб утиш мумкин. Хинд миниатюра рассомлиги узига ҳос мактаб сифатида 16 асрнинг иккинчи ярмида шаклланган булсада, хинд тасвирий санъати ҳусусан, рассомчилик жуда куп асрлик бой аънаналарга эга қадимий маҳсус рассомчилик устаҳонаси очилиши, четдан келган рассомлар билан бир қаторда маҳаллий диний марказларида яшаб ижод этиб келган миниатюра рассомлиги 16 асрнинг иккинчи ярмида Жалолиддин Муҳаммад Акбар даври санъат воқелиги сифатида маълум булиб, аслида бу рассомлик мактабига Бобур ва Ҳумоюн асос солган.

Хиндистон янги сулола асосчиси Бобур шоир, олим, хаттот булиши билан бир қаторда рассомликка жуда қизиққан. Унинг шох асри «Бобурнома»дан маълумки, у табиат манзараларини, одамлар қиёфасини уста рассомлардек шундай тасвирлаганки, улар қитобхон диққатини дарҳол узига тортади.

Турк миниатюра мактаби қичик оқиё ярим оролида қадимдан ҳетлар

эрамиздан аввалги 19 аср митанни эрамиздан аввал 18 аср, Урарту эрамиздан аввалги 11-12 асрлар давлатлари булган. Сунг бу ерларни Ахамонийлар, Салбокийлар, Македонияликлар, Искандар Рим империяларига караган. Бу хол Турк халки маданиятини, санъатини узига хос тарзда ривожлвнишини белгилаб берди. 13 асрнинг бошларида яшаган Озарбойжон олими Абдурашид Бакубий Туркиянинг кадимий шаҳарларидан Истамбулнинг тарихи хакида куйидагиларни ёзади. Кустантия шаҳрига Кустантиннинг Сиварус исми асос солган. Бу Шобур Зулоков замони 240-270 йиллар эди. Девори бир фарсахча келадиган шох кальаси унта эшикли, олтин куббали шох ибодатхонаси бор эди. Эшикларнинг 4таси кумушдан. Ибодатхона баландлиги ва эни 4 газ келадиган тахт урнатилган. Тахт гавхар ва ёкутлар билан безатилган. Ибодатхонани деворлари олтин ва кумушдан нақшланган. Ушбу кучирма Туркия территориясида сакланиб колган. Меъморлик обидалари ва тасвирий санъат асарлари кадимда бу ерда Юнон маданияти таъсири булганидан далолат беради.

Урхон Султони (1324-1359) замонида курилган Бурсадаги сарой Кайсар куёндаги султон саройлари шу тахлитдаги султон саройларидир. Туркиянинг узига хос санъати 15асрга келиб янада ривож топади. Истанбул шаҳрида аралаш усулда масжиду-мадрасалар, кушк ва турбатлар курилиб, шаҳар деворларининг узунлиги 15дирсахга етказилади.

Византия империяси даврида курилган София ибодатхонаси масжидга айлантирилди. Унинг гумбази 65 метр, эни 32 метр булиб, олтин, кумуш ёрдамида деворий нақш ва суратлар, кимматбахо тошлар билан безатилган эди. Истанбулдаги Тупкору сарой 1466-йилдан курила бошлади. Бу ер турк султонларининг иахтгохи булиб келади. Маълумки, турк хунармандчилик буюмлари, бахолари эди. Чунончи, 14асрнинг 30-йилларида Осиёда булган араб сайёхи Инб Бутату Конье ва Сивос шаҳарларида тукилган ажойиб турк гиламларини куриб хайратга тушган. У яна Арзинжон мис конларида булиб, хунармандлар ундан турли-туман гулли рузгор буюмлари, идиш ва шамдон ясаганларини ёзади. Дунёнинг купгина музейларида сакланаётган бундай буюмлар намуналари уша давр турк хунармандчилигининг юксак санъатидан гувоҳлик беради. Миниатюра санъати эса айникса, Махмед 11 (14351-11481) замонида жуда ривожланади.

У туздирган «Фотих альбоми» ёки Истамбул альбомлари номи билан машхур мураккаб миниатюралар купрок лирик мавзуга багишланган. Махмед Султон купгина санъат обидаларини нобуд килган булишига карамай, уз

саройида куплаб мусаввир ва хаттотларни турлаб уларга хомийлик кила бошлади. Унинг саройида ишловчи мусаввирларининг шухрати хатто чет эл хунармандларининг ҳам эътиборини тортади. Италиялик мусаввирлардан Константо да-Феррар, Бертолди Живанни, Жентеле Беллинилар унинг саройига ташриф буюришади. Мехмед 11га айникса Ж. Беллинилар ёкиб қолади. У Венецияга мактуб йуллаб Беллинининг Истамбулда бир оз туриши учун рухсат олади. Султон Беллинига уз саройини безаттиради. Феррар ва Жиованни Махмедни суратини кумуш медалга тушуришади. Сарой Меъморий Синабей ҳам Махмед суратин медалга зарб қилади. У асли 1498 йил Кайсар шахрида тугилиб, ёшлигида ботир жангчи булган. Синобей узи хакида шундай ёзган: « Мен Абдулманнон угли бош меъмор Синон Султон Салим замонида яничар сифатида К. Боль ва кора Богдод юришларида иштирок этдим. Уша йили саройида бош меъмор этиб тайинландим ва Оллох инояти ила куплаб иморатларни курдим».

Тарихчи Э. Чалавий Изник хунармандларининг лаган, товок ва кузаларини мактаб, бутун усмонийлар давлатидаги накшин идишлар шу ерда ясалганлигини ёзади. Изник кушинлари масжид ва саройлар деворини безаш учун ишлатилади. Изник идишларида хайвонлар билан биргаликда одамлар суръати ҳам чизилган.

16-17 асрларда турк гиламлари қадар бошқа шахарларда ҳам ортади. Султон саройида накш ва мусаввирлар учун алоҳида устахоналар булган. Уша давр миниатюраларида Урта Осиё ва Эрон миниатюра мактабларининг баъзи санъаткорлик ва шакл хусусиятларини ҳам мужассамлаштирган Урта Осиё миниатюралари каби рангларнинг «13-17 асрлар Озарбайжон кулёзма китобларининг баъдий зийнатлари» номли фундаментал тадқиқоти монографиясининг илмий ахамияти каттадир. 1983- йил сентябр ойлари бошларида Боқуда утказилган Халқаро санъатшунослик симпозимининг махсус булими Шарк миниатюраларини ургатишга бағишланди. Бу мамлакатимиз узаро фикр алмашишлари учун ажойиб шароит яратди.

Тожикистон олимларидан Л.Ауний, Л. Додхудоева ва бошқалар шарк миниатюра санъатини урганишга хиссаларини кушмоқдалар. Бу соҳада актив фаолият курсатаётган М. Ашрафий тузган «16-аср миниатюраларида Жомий 16-17 асрлар миниатюраларида форс- тожик шеърини» номли альбомлар, ҳамда «16 аср Эрон миниатюраси тараккиётидан» номли монографияси муҳим ахамиятга ега.

Узбекистонда Шарк миниатюра санъатини айрим расмли кулёзмалар билан танишиш, А.А. Семёнов, Б.С.Сергеев, Г.А. Пугаченкова, А.И. Ремпель, В.Г. Долинская ва бошқаларнинг маколаларидан бошланган. Умуман Республикамизда Шарк тасвирий санъати ва миниатюрасини урганишда етакчи санъатшунос, Уз ССР фанлари академиясининг хақиқий аъзоси Г.А. Пугаченкованинг хизмати алоҳида таҳсинга сазовор. Олиманинг куплаб салмокли тадқиқотлар «Узбекистон санъати тарихи», Урта Осиё миниатюралари, халқимиз бадиий маданиятини ёритишда ахамияти каттадир.

Шарк миниатюра ва китобат санъатини Республикамизда урганишда, нашр қилишда дунёни энг нуфузли музей ва кутубхоналаридан қидириб топишда Хамид Сулаймоннинг хизматти кузга яққол ташланади. Олим тартиб берган «Бобурнома расмлари» унинг асосий тараккиёт ёналишини етакчи бадиий-эстетик принципларини шаклланишга хизмат қилади. Қадимдан нодир кулёзмалар юксак кадрланиб келинган. Шунинг учун ҳам уларни йиғиш, урганиш ва санъат ихлосмандлари узок вақтдан буён шугулланиб келадилар. Аммо миниатюра санъатини чуқур урганиш асосан 19 аср охири 20 аср бошларига тугри келади. Бу соҳада йирик чет эл олимларидан Ф. Мартин, Г. Арноль, Б. Робинсон, Б. Грей ва бошқалар шарк миниатюра наъмуналарини илмий таъсифга олиш, энг яхшиларин чоп эттириш, етакчи мактаблар тараккиёти ва тарихини урганиш, ҳамда тарғиб қилишда бир қатор муҳим ишларини амалга оширадилар. Аммо уларнинг тадқиқотларидан расмлар таҳлилида юзакилик, шарк халқлари ҳаётини яхши билмаслик каби нуқсонлар учраб туради. Шарк халқлари тасвирий санъати хусусан миниатюрани урганишда шарқшуносларнинг хиссаси катта. Ватанимизда бу соҳада илк бор амалга оширилган тадқиқот йирик рус олими, санъатшунос В.В. Стасовнинг «Византия болгар, рус чигатой ва форс кулёзмаларининг баъзи миниатюралари» номли китобидир. Кейинги рус олими Б.П. Деникининг «Шарк санъати» ва «Эрон ранг тасвири» китобларида миниатюра мактаблари тараккиётига жиддий эътибор берилган. Шунингдек 2-Жаҳон уришигача қатор тадқиқотчилар С.Ф. Ольденбург, С.И. Тюлаев ва бошқаларнинг шарк миниатюра санъатига оид алоҳида маколалари эълон қилинган эди. Л.Т. Гюзальян ва М.М. Дъяконовнинг Ленинград мажмуалардаги «Шохнома» кулёзмаларига ишлаган Эрон миниатюраси асарлари ҳам ушбу соҳани урганишда муҳим роль уйнайди. Айниқса проф зоҳодернининг тарихчи Кози Аҳмад яратган таржима қилиб, зарур илмий шарҳлар билан чоп эттириш натижасида жуда қимматли тарихий манба илмга қиритилди.

Шаркшуносларнинг миниатюра санъатини урганишдаги сунги йигирма беш йил яъни олтмишинчи йиллардан кейинги мувоффақиятлари салмоқлидир. Бу даврдаги Б.В. Веймарн, С.И.Тюяев, Г.И.Костичова, О.Ф. Акимов, А.А. Иванов, О.И. Гамеркина, Т.В. Грек, М.Ш. Шакуров каби Москвалик ва Ленинградлик олимларнинг шарк миниатюраси ва хаттолик санъатини урганишга қўшма ҳиссаси жуда муҳимдир. Сунги йилларда иттифокдан республикалар Озарбайжон, Тожикистон ва Ўзбекистон шарк миниатюра ва китобот санъатини урганишга эътибор қўйди. Айниқса, бу уринда қариндош Озарбайжон олимларнинг илмий ютуқларига ҳавас қилса арзийди.

Озарбайжон миниатюра мактаби Урта асрдаги таъкиб ва таъзиқка қарамай, Озарбайжон мусаввирлари миниатюралар билан беаганлар. Айниқса, Абул Косим Фирдавсийнинг «Шохнома», Низомийнинг «Ҳамса», Хофиз ва Саъдий Шерозийлар, Амир Хисрав Дехлавийлар, А.Жомий, А.Навоий қўлэмаларига қўшилган миниатюралар Жаҳон тасвирий санъатининг ноёб дурдоналарига айланди. Маълумки Урта Шарқда 12-13 асрда Богдод миниатюра рассомчилик мактаби етакчилик қилган. Айни шу вақтда бошқа маданият марказларида ҳам миниатюра мактаблари бўлган ҳам шубҳасиздир. 14-асрнинг бошида Жанубий Озарбайжондаги Табриз миниатюра мактаби гуллаб яшнади. Бу даврда машҳур тарихчи ва давлат арбоби Файхуллох Рашидиддин ниғорхоналарда турли туман тарихий асарлар қўлэмаси қайта-қайта ўқиб олиниб нафис, муъжаз расмлар билан безатишган.

14-аср охирида йирик маданият марказлари Богдод, Шероз ва Хирот шаҳарларида мустақил миниатюра мактаблари ташкил этиди. Уша даврда Хуросон давлатининг пойтахти Хирот шаҳрида 15-асрда уз давлатининг машҳур рассомлар устоз К.Бехзод раҳнамолигида ижод қилишарди. Яқин ва Урта шарқ миниатюра мактаблари таракқиётига катта ижобий таъсир қўратди. 14-15 асрларда қадимий маданият марказларида бўлимини Бухоро, Самарқанд шаҳарларида ҳам миниатюра мактаблари бўлган. 12 асрда Жанубий Озарбайжонининг, Табриз, Мароғи ва Ардавил шаҳарларидан йирик маданият марказига айланади. Чунки бу шаҳарлардан қарвон йўллари ўтган эди. Бундан ташқари, айниқса, Табриз шаҳри марказлашган Феодал давлатлари ҳусусан, Хулағу мугул Инхлари 1256-1340, Чабонийлар 1340-1357, Жалорийлар 1360-1410, Ок қўюнлар. Сафарийлар 1502-1576, Жалорийлар 1360-1410 ҳукмронлиги пойтахт шаҳри бўлганлиги сабабли бу ерда фан ва маданият ривожланишга шароитлар яратилган эди. 14 асрни иккинчи ярмида Жанубий Озарбайжон

шахрини Султон Увайс Жалоир эгаллаб олди. У уз шахрида хаттотлик ва рассомлик санъатини ривожлантирди. 15 асрда Табриз миниатюра рассомлиги кора ва Куюнлар хукмронлиги даври билан боглик булиб, улар 15 аср тасвирий санъати анъаналарини ривожлантирди. Табризда яшаб ижод этган санъаткорлардан энг машхури Пир Саид Ахмад Табризий булиб, турк тарихчиси Алининг гувохлик беришича, у К.Бехзодга узи устозлик килган экан. Озарбойжон тасвирий санъатининг тарихида Сафарийлар хукмронлик даврида алохида сермахсуллиги билан ажралиб туради. Салвакайлар сулоласининг асосчиси шох Исмоил устоз К.Бехзодни жуда хурматлаб, махсус фармонга биноан уни 1522-йил сарой кутубхонасидаги барча китобат санъати ахлига бош мутсадди килиб тайинлайди. Бу даврда Озарбойжон мусаввирлари билан ёнма-ён мохир рассомлар К.Али Термизлик Мир Мансур, Ш.Исфаконий, Х.А.Турбатий каби куплаб ноёб истеъдод эгалари яшаб ижод килганлар. Шох Исмоил хукмронлиги даврида Табризда нафис, мужаз расмлар билан зийнатланган нодир кулёзмаларга А.Фирдавсийнинг «Шохнома», С.Шерознинг «Бустон», Н.Ганжавийнинг «Хамса» асарлари нусхалари киради. Шох Исмоил угли ва тахт вориси Шох Тахмосиб хукмронлиги вақтида Табриз миниатюра рассомлиги мактаби уз тараккиётини энг юксак ва сермахсул даврини бошидан кечирди. Чунки Шох Тахмосиб ёшлигидан рассомлик ва хаттотликга кизикиб, устоз Султон Мухаммаддан сабок олади. Шох Тахмосиб сарой кутубхонасида Султон Мухаммаддан ташкари устоз Камолиддин Бехзод, яна Мирза Табризий, Окомирак, Музаффар Али, Мир Саид Али, Сиёвушбек ва бошка мусаввирлар нодир кулёзмаларини нафис, мужаз расмлар билан безашда катнашган.

**Ijodiy jarayon**

**ATROF MUHIT  
MUXOFAZASI  
QISMI**



Атроф мухит мухофазаси.

Табиат дейилганда биз узимизни ураб турган хаво, сув, тупрок, тог жинслари, усимлик ва хайвонотларидан иборат мураккаб моддий борликни куз унгимизга келтирамиз.

У инсоннинг барча моддий ва маънавий эҳтиёжларини кондирувчи ягона манба ҳисобланади. Бу жихатдан уни онага киёслаб, бежизга «Она табиат» деб ардокламайди. Хозир инсон ақл-заковати туфайли ердан бир неча миллиард ёруглик йиллига тенг келадиган узокликларни «кураётган» булса ҳам бизга маълум булган Оламда бирортаям ер сайёрасининг табиатига ухшаш табиат ва хаёт шакли мавжудлиги аниқланмаган. Ер табиати ягоналигини яққолроқ тасаввур қилиш осон бўлиши учун қуйидаги маълумотларни келтирамиз. Хозирги илмий маълумотларга караганда биз билган олам «қоинот» бир неча галактикалардан ташкил топган.

